

АВТОКРЕДИТНИ КОМПЛЕКС СУГУРТА ҚИЛИШ
(3 ва 14-класс суғурта қилиш Қоидаларига асосан ишлаб чиқилган)

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг 25.02.2022 йилдаги СФ-серияли 00045-сонли Суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Лицензияси асосида ўз фаолиятини амалга оширадиган, кейинги ўринларда «СУГУРТАЛОВЧИ» деб номланувчи «ISHONCH SUG'URTA KOMPANIYASI» АЖ ҚҚ

1 БЎЛИМ. АТАМАЛАР

Мазкур Шартномада ишлатиладиган атамалар куйидаги тушунчаларга эга:

1.1. **Суғурталанган транспорт воситаси (суғурталанган ТВ)** – кредит маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ва Қарз олувчи номига ҳужжат билан расмийлаштирилган транспорт воситаси, унга нисбатан мазкур Шартнома шартларида назарда тутилган суғурта татбиқ этилади.

1.2. **Ҳайдовчи** – суғурталанган ТВни қонуний асосларда бошқарувчи ва амалдаги тегишли тоифадаги ТВни бошқариш ҳуқуқи бўйича белгиланган намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ўрнатилган тартибда суғурталанган ТВни бошқаришга қўйилган жисмоний шахс.

1.3. **Қарз олувчига ТВ топширилган пайт** – Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 186 моддасига мувофиқ ТВ Қарз олувчини ихтиёрига амалда келиб тушган пайт.

1.4. **Суғурта қиймати:**

а) “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича - Кредит шартномаси шартларига кўра дастлабки бадалнинг айирмаси билан кредитнинг баҳоси;

б) “Суғурталанган ТВни нобуд бўлиши ва шикастланиши” таваккалчилиги бўйича - суғурта шартномаси тузилаётган пайтдаги ТВнинг ҳақиқий баҳоси.

1.5. **Суғурта пули** – суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчининг чегараланган жавобгарлик доирасини ифодаловчи пул маблағлари миқдори.

1.6. **Суғурта мукофоти** - суғурта қилдирувчининг суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта ҳақи.

1.7. **Суғурта товони** - суғурта шартномасида келтирилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта қилдирувчининг зарарини қоплаш учун суғурталовчи томонидан суғурта пули доирасида тўланадиган пул маблағлари суммаси.

1.8. **Суғурта ҳодисаси** - суғурта шартномасида кўзда тутилган ва мазкур шартноманинг 4 - бўлимида белгиланган ҳодиса. Бу ҳодиса содир этилганда суғурталовчи суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятлари вужудга келади.

1.9. **Суғурта даври** – суғурта мукофоти ўз вақтида тўланиши шarti билан, мазкур Шартноманинг амал қиладиган вақт оралиғи. Суғурталовчи мазкур Шартнома ва суғурта полисда назарда тутилган суғурта даврда ва суғурта ҳудудида содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича жавобгарлик олиб боради.

1.10. **Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги** – Қарз олувчини Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитнинг асосий қарзини ва ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларига амал қилмаслиги.

1.11. **Йўл-транспорт ҳодисаси (бундан буюн матнда – ЙТХ)** – суғурта ҳодисаси санасига Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган Йўл ҳаракати қоидаларида ушбу атама қўлланиладиган тушунчада суғурталанган ТВни йўлда ҳаракатланиш жараёнида ёки унинг иштирокида содир бўлган воқеа: уриш, ағдариш, тўкнашиш ва шу кабилар, жумладан тураргоҳда бошқа механик ТВни шикаст етказиши.

1.12. **Ёнгин** - ўз-ўзидан ёниши (суғурталанган ТВнинг деталлари, боғламалари ёки агрегатларини носоз ишлаши ёки қисқа туташуви оқибатида ёнишни ўз-ўзидан пайдо бўлиши) билан боғлиқ бўлмаган, суғурталанган ТВга очиқ олов манбаларининг ташқи таъсирида юзага келган назоратсиз ёниш.

1.13. **Портлаш** – қисқа муддат оралиғида чекланган катта ҳажмдаги энергиянинг чиқиши ва ажралиши билан келтириб чиқарган, кенгаётган газ ва буғларнинг талофатли таъсири билан кузатиладиган шиддат билан кечадиган жараён.

1.14. **Табиий офатлар** – табиат билан боғлиқ воқеалар, бунда улар ўзининг интенсивлиги, тарқалиш миқёси ва давомийлиги билан одамларга, иқтисодиёт объектларига ва табиат атроф-муҳитига талофатли таъсирни келтириб чиқариши мумкин. Табиий офатлар деганда, ваколатли органлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, тасдиқланган мезонларга етган табиий тусдаги фавқулоддаги вазиятлар ва/ёки хавфли гидрометеорологик ҳодисалар тушунилади.

Табиий офатларга, мазкур Шартнома доирасида, куйидагилар қиради: зилзила, ер қўчишлари, тоғ ўпирилишлари, қор қўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), бўрон, тўфон, жала, яшин уриши, сув тошқинлари, сув тўпланиши ва селлар, туман, яхмалак, дўл.

1.15. **Ташқи механик таъсир** – ТВга куйидагилар оқибатидаги таъсири:

- қаттиқ жисملарнинг қулаши, урилиши ёки бошқа таъсири (шу жумладан қор, ях, устун, дарактлар, йўл белгилари, реклама конструкциялари ва ш.к.) ёхуд қаттиқ жисملар билан ТВнинг бошқача ўзаро ҳаракатга киришиши;
- бошқа ТВларнинг ғилдираклари остидан шағал, тош ва бошқа қаттиқ фракцияларнинг отилиши;
- ТВнинг қулаб тушиши ёки уни эвакуаторда ташиш чоғида ТВнинг бошқа ТВ ва/ёки жисмлар билан ўзаро ҳаракатга кириши;

- кўприк ёки тоннелларни, уларнинг қисмларини (конструктив элементларини) вайрон бўлиши, қулаши, шунингдек тупроқ, йўл қопламаси ёки сунъий иншоотнинг ўпирилиши, чўкиши ёки бошқа турдаги силжиши (ҳаракатланиши).

- ҳайвонларни ҳатти-ҳаракати – ҳайвонларнинг ҳатти-ҳаракати натижасида ТВни ташқи шикастланиши, ТВ салони элементлари ва фақат ТВнинг ичида бўлган элементларнинг шикастланиши бундан мустасно.

1.16. **Учинчи шахсларнинг ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатлари** – қонунчиликда жиноий, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлик белгиланган, ТВнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), шикастланишига бевосита сабаб бўлган учинчи шахсларнинг ғайрихуқуқий айбли ҳатти-ҳаракатлари, бундан ўғирлик мустасно.

1.17. **Ўғирлаш (олиб қочиш)** – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига мувофиқ ўғирлик, талончилик, босқинчилик ёки ўғирлик мақсадсиз (олиб қочиш) ТВни ноҳуқуқий эгаллаш деб квалификация қилинган воқеа натижасида суғурталанган ТВнинг йўқотилиши.

1.18. **Шартсиз франшиза** – Суғурталовчи томонидан қопланмайдиган зарарнинг қисми.

1.19. **Суғурта ҳудуди** – Ўзбекистон Республикаси.

1.20. **Кутиш даври** - вақт оралиғи, у якун топгач, “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича содир бўлган воқеа суғурта ҳодисаси деб топилади. Мазкур Шартномага асосан кутиш даври 30 (ўттиз) кундан ташкил топган.

2 БЎЛИМ. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур Шартнома, Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчилар билан автотранспорт воситаларини сотиб олиш учун тузилган кредит шартномалари билан боғлиқ таваккалчиликларни комплекс суғурталашнинг шартларини белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 354 (Шартнома тузиш эркинлиги) ва 360 (Кўшилиш шартномаси) моддаларига мувофиқ тегишли Қарз олувчининг мазкур Шартномага қўшилиши, мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасидаги шаклда суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровномада кўрсатилган маълумотлар ва ахборотлар асосида Суғурталовчи расмийлаштирган суғурта полисини бериш йўли билан амалга оширилади.

Суғурта мукофотини тўланиши, Қарз олувчининг мазкур Шартнома ва суғурта полисида баён этилган шартларда, тартиб ва ҳажмларда, мазкур Шартномага қўшилиш бўйича сўзсиз ва тўлиқ розилигини (акцепт) тасдиғи деб ҳисобланади.

2.2. Мазкур Шартномада назарда тутилган шартларга ва/ёки қўшимча келишилган шартларга, мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган истиснолар ва иловаларга мувофиқ, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровномада белгиланган миқдор ва муддатларда суғурта мукофотини тўлаши шarti билан, Суғурталовчи куйида назарда тутилган тартиб ва ҳажмда суғурта ҳодисаси содир бўлиши оқибатида Наф олувчига етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини олади.

3 БЎЛИМ. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

3.1. Суғурта даврида содир бўлган куйидаги суғурта таваккалчиликлар натижасида Наф олувчига зарар етказилишини келтириб чиқарган воқеалар, мазкур Шартномага кўра суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади:

а) Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги;

б) Йўл-транспорт ҳодисалари, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёнғин, портлаш, чақин уриши, сув тошқини, бўрон, довул, жала, дўл, сел, зилзила, ер ўпирилиши, ер кўчиши; учинчи шахсларнинг ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатлари; ўғирлаш (олиб қочиш).

3.2. Мазкур Шартнома доирасида суғурта полиси куйидагича расмийлаштирилади:

- “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича – “1-Наф олувчи” деб белгиланган Суғурта қилдирувчи фойдасига;

- “Суғурталанган ТВни нобуд бўлиши, йўқотилиши ва шикастланиши” таваккалчилиги бўйича – содир бўлган суғурта ҳодисаси санасига, ТВ билан таъминланган мажбуриятнинг қисми бўйича “1-Наф олувчи” деб белгиланган Суғурта қилдирувчи фойдасига ва суғурта тўловини қолган қисми бўйича “2-Наф олувчи” деб белгиланган Қарз олувчи фойдасига.

4 БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

4.1. “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди ва Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан озод бўлади, агар:

а) Суғурта қилдирувчи, маълумотларни тақдим этаётганда ва уларнинг асосида Суғурталовчи суғурта шартномасини тузиш (суғурта полисини расмийлаштириш) бўйича қарор қабул қилганда, суғурта таваккалчилиги даражаси тўғрисида фикрлаш учун муҳим аҳамиятга молик ҳолатлар ҳақида нотўғри ахборотлар берган бўлса;

б) Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига қаратилган қасддан қилган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги оқибатида суғурта ҳодисаси содир бўлса, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини адо этиши ва Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ва учинчи шахсларнинг ҳаёти, соғлиғи, обрўси ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бундан мустасно;

в) агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта ҳодисаси сабаблари ва тафсилотлари, шунингдек зарар миқдорини аниқлаши бўйича Суғурталовчининг иштирокига тўсқинлик қилса;

г) мазкур Шартномага мувофиқ қопланган зарар учун жавобгар - Қарз олувчига, Суғурталовчи томонидан суброгация тартибида талабни қўйиш, Суғурта қилдирувчининг айби билан имконсиз бўлиб қолган бўлса;

д) Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги “Гаров реестри” ДУК ягона ахборот базасига тегишли ёзув белгиланган муддатда киритилмаган бўлса ёки Кредит шартномасида кўрсатилган, сотиб олинган ТВ, Қарз олувчи томонидан кредит таъминоти сифатида белгиланган муддатда гаровга қўйилмаган бўлса (ўз вақтида қўйилмаган бўлса);

е) Суғурта қилдирувчи, Суғурталовчи билан олдиндан келишмасдан туриб, мазкур Шартномани амал қилиш даврида Қарз

олувчининг мулки бегоналаштиришни амалга оширган бўлса;

ё) кредит маблағларидан мақсадли фойдаланганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилмаса;

ж) Суғурта қилдирувчи тегишли суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги тўғрисида мазкур Шартномада белгиланган муддатда ва тартибда, Суғурталовчини хабардор қилиш мажбуриятини бузган бўлса.

4.2. “Суғурталанган ТВни нобуд бўлиши, йўқотилиши ва шикастланиши” таваккалчилиги бўйича қуйида рўй берган ҳолатлар натижасида суғурталанган ТВга етказилган зарар қоплаб берилмайди ва суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди:

а) тасарруфида суғурталанган ТВ бўлган Қарз олувчи ёки Ҳайдовчининг суғурта ҳодисаси содир бўлишига қаратилган қасдан қилган ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизлиги, уларнинг ўз фуқаролик бурчларини адо этиши ёки Қарз олувчи, Ҳайдовчи ёки учинчи шахсларнинг фуқаролик бурчини бажариш ёки ҳаёти, соғлиғи, обрўси ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ҳаракатлари бундан мустасно;

б) Суғурталовчига суғурта объекти, зарарнинг сабаблари ва миқдори тўғрисида Қарз олувчи ёки Ҳайдовчи томонидан била туриб ёлғон маълумотлар берилиши, шунингдек воқеа тафсилотларини тасдиқлашга ёхуд зарар миқдорига доир сохталаштирилган ҳужжатлар тақдим этилиши;

в) Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ транспорт воситасини бошқаришга ҳуқуқи ва руҳсатиномага (ҳайдовчилик гувоҳномаси, ишончнома, йўл варақаси, транспорт воситалари эгаларини фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш полиси ва ш.к.) эга бўлмаган шахс томонидан суғурталанган ТВнинг бошқариши. Мазкур шарт суғурталанган ТВ ўғирлаб кетилганда тадбиқ этилмайди;

г) суғурталанган ТВни чарчок, алкоголь мастлик ёки ақлий-идоровий фаолиятига таъсир кўрсатувчи наркотик воситалари, психотроп ва бошқа моддалар, реакция тезлигини камайтирувчи дори воситалари таъсири остидаги ҳолатда бўлган шахс томонидан бошқарилиши, шунингдек суғурталанган ТВ ҳайдовчиси ЙТХ жойидан яшириниши (ЙТХ содир бўлган жойни ташлаб кетганда) ёки тиббий кўриқдан ўтишдан бош тортиши, рулни бошқараётганда ухлаб қолиши;

д) содир бўлган суғурта воқеаси тўғрисида мазкур Шартномада белгиланган муддат ва усулда Суғурталовчини ўз вақтида ва узрли сабабсиз хабардор этилмаслиги;

е) суғурталанган ТВдан фойдаланишни белгилувчи ҳужжат (йўриқнома, қоидалар, қўлланма, низом ва бошқалар), ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнувчан ва портовчи моддаларни ва нарсаларни ташиш қоидалари ва шу каби ҳужжатлар шартларининг бузилиши;

ё) суғурталанган ТВдан ҳайдашга ўргатиш ёки мусобақа ва синов мақсадларида фойдаланилиши;

ж) суғурталанган ТВнинг деталлари, боғламалари ёки агрегатларини носоз ишлаши ёки қисқа туташуви оқибатида пайдо бўлган ўз-ўзидан ёниб кетиши натижасидаги ёнғин ва портлаш;

з) суғурталанган ТВни двигатели ва бошқа боғламалари ва агрегатларини қиздириб олиш учун очик олов манбаларидан фойдаланилса;

и) ТВда чекиш ёки олов билан эҳтиётсиз муомала қилиниши келтириб чиқарган ТВни шикастланиши;

й) салонда ҳайдовчи ва (ёки) бошқа шахслар бўлган, бўлмаганлигидан қатъий назар, суғурталанган ТВни ўз-ўзидан ҳаракатланиши оқибатида зарар етказилиши;

к) қонунчиликда ўрнатилган тартибда техник кўриқдан ўтмаган суғурталанган ТВдан фойдаланилиши, шунингдек қонунчиликда ўрнатилган тартибда сертификатлаштирилмаган газ-балон ускунаси билан жиҳозланган суғурталанган ТВдан фойдаланилиши (мазкур истисно ишлаб чиқарувчи завод томонидан газ балони билан жиҳозланган суғурталанган ТВга нисбатан тадбиқ этилмайди);

л) йўл қўйиладиган тезлик режимидан ошириб ҳайдаш, темир йўл кесишмаларидан ўтиш қоидаларининг бузилиши ёки светофорнинг таъқиқловчи ишорасига ўтиш, ётиқ чизиклар, йўналтиргичлар, ёзувлар ва транспорт воситаларни ҳаракатини тартибга солиш белгиларга амал қилмаслик, шу жумладан суғурталанган ТВнинг транспорт оқими йўналишига қарама-қарши чиқиши;

м) суғурталанган ТВда ташилаётган йўловчилар умумий сони/юкнинг тўлиқ умумий вазни, ишлаб чиқарувчи завод томонидан белгиланган сон/энг кўп вазн миқдоридан ортиқ бўлса;

н) суғурталанган ТВни завод браки ёки ТВни тиклаш таъмирида бракка йўл қўйилиши оқибатида, шунингдек мустақил экспертнинг хулосаси билан тасдиқланган кафолат ҳодисаси оқибатида суғурталанган ТВни қисмлари, деталлари, боғламалари ёки агрегатларини шикастланиши ёки нобуд бўлиши;

о) суғурталанган ТВнинг кабинасида, салоида, юкхонасида ёки кузовида бўлган ҳайвонларнинг зарар етказиши.

4.3. Мазкур Шартномага қўра қуйидагилар қоплаб берилмайди:

а) ҳар қандай миқдорда ҳисобланган пеня, жарима, неустойка, олинмай қолган фойда ва наф, банк воситачилик ҳаққи ва бошқалар, Қарз олувчи кредитни сўндирилмаган қисми (асосий қарз) ва ҳисобланган фоизлар бундан мустасно;

б) Суғурта қилдирувчи ёки унинг вакиллари Кредит шартномасини расмийлаштириш/кредит ажратиш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига амал қилмаганлигининг бевосита ёки билвосита оқибати бўлган зарарлар;

в) механик ишдан чиқишлар, нотекис ёки ёмон ҳолатдаги қатнов қисм, ўткир жисмларни босиб ўтилиши келтириб чиқарган ғилдирак шиналари ва/ёки дискларини шикастланиши, агар уларнинг шикастланиши суғурталанган ТВ шикастланишига, йўқотилишига ёки нобуд бўлишига олиб келмаган бўлса;

г) мазкур Шартномани амал қилиши бошланган пайтгача, Қарз олувчига билган ёки билмаганлигидан қатъий назар, суғурталанган ТВдаги мавжуд бўлган носозликлар ва нуқсонлар;

д) завод комплектациясига кирмайдиган суғурталанган ТВга ўрнатилган қўшимча ускунанинг нобуд бўлиши ва шикастланиши.

4.4. Суғурталовчи суғурта ҳодисаси қуйидагилар оқибатида содир бўлганда, суғурта товони тўлашдан озод қилинади:

а) ҳарбий бостириб кириш акти, ҳарбий ҳаракатлар, маневрлар ёки бошқа ҳарбий ёки бошқа шунга ўхшаш тадбирлар (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганлигидан қатъий назар), фуқаролик уруши;

б) кўзғолон, оммавий фуқароларнинг тартибсизликлари, миллат миқёсида иш ташлаш;

в) шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан амалга оширилган террорчилик ҳаракати;

4.5. **Махсус истиснолар.** Суғурта товони миқдорини аниқлашда, суғурта ҳодисаси натижасида суғурталанган ТВга

етказилган зарар миқдоридан қуйидагилар чиқариб ташланади:

- а) суғурталанган ТВ, шу жумладан унинг алоҳида деталлари ва боғламаларининг, табиий эскириши;
- б) ТВнинг товар қўринишини йўқолиши ва ишлаб чиқарувчи завод браки (нуксони);
- в) суғурталанган ТВни такомиллаштириш билан боғлиқ Қарз олувчининг харажатлари.

4.6. Суғурталовчи Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг суғурта ҳодисаси келтириб чиқариши мумкин бўлган билвосита ва бошқа харажатларга (ҳар қандай турдаги жарималар, ТВ тураргоҳ харажатлари, пенялар, суғурталанган ТВга етказилган зарарнинг баҳолаш харажатлари, меҳмонхона харажатлари, хизмат сафари харажатлари, шикастланган суғурталанган ТВни йўлқира ва ташиш харажатлари, даромадни йўқотиш, лизинг ва ижара тўловлари, суғурталанган ТВни бекор туриши, кафолат муддати якун топиши билан боғлиқ моддий йўқотишлар, маънавий зарар ва бошқалар) нисбатан, шунингдек, ҳар қандай тўғридан-тўғри ва билвосита солиқлар ҳамда бошқа харажатларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди.

4.7. Суғурталовчи мазкур Шартномада назарда тутилмаган ва қайд этилмаган ҳар қандай воқеаларга нисбатан жавобгарлик олиб бормайди. Суғурталовчи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳолатларда суғурта товонини тўлаш мажбуриятдан озод қилинади.

4.8. Агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи мазкур Шартнома шартларини бузганлиги Суғурталовчи томонидан аниқланса, ёки Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан бош тортса ёки Суғурта қилдирувчининг/Қарз олувчининг айби билан бундай ҳуқуқни амалга ошириш мумкин бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини тўламайди (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 957 моддаси).

5 БЎЛИМ. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

5.1. Суғурта қоидаларининг 3.1-банди “а” кичик банди бўйича Суғурта пули миқдори Суғурта қилдирувчи томонидан Қарз олувчига ажратилган қарзнинг 130% миқдорида белгиланади.

5.2. Суғурта қоидаларининг 3.1-банди “б” кичик банди бўйича Суғурта пули миқдори Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи Суғурталовчига тақдим этадиган Ариза сўровномасига кўра белгиланади.

5.3. Суғурта қоидаларининг 3.1-банди “а” кичик банди бўйича Суғурта мукофоти суғурта амал қилишининг ҳар бир йилига Суғурта пулининг 0,4% гача белгиланади.

5.4. Суғурта қоидаларининг 3.1-банди “б” кичик банди бўйича Суғурта мукофоти суғурта амал қилишининг ҳар бир йилига Суғурта пулининг 0,8% гача белгиланади.

5.5. Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи (Суғурта қилдирувчи, суғурта мукофоти тўлови бўйича мажбуриятни Қарз олувчига юклаганда) мазкур Шартнома имзоланган кундан эътиборан 5 (беш) кун ичида суғурта мукофоти ёки унинг биринчи бадалини тўлаши шарт.

5.6. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби – муддатли суғурта бадаллари шаклида ёки бир йўла ва суғурта мукофоти миқдори суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровномада белгиланади.

5.7. Суғурта мукофоти, пул маблағларини Суғурталовчини банк ҳисобрақамига ўтказиш ёки Суғурталовчини банк ҳисоб рақамига нақд пул маблағларни қирим қилиш йўли билан ёхуд Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан рухсат этилган бошқа тўлов тизимлари воситасида тўланиши мумкин.

5.8. Мазкур Шартнома юзасидан барча ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида – сўмда амалга оширилади.

5.9. Пул маблағлари Суғурталовчи ҳисобрақамига келиб тушган кун суғурта мукофоти (суғурта бадали) тўланган сана ҳисобланади.

5.10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936 “Тўлиқ бўлмаган мулкый суғурта” моддасига мувофиқ агар суғурта пули суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурта товони тўлови суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаб берилади.

6 БЎЛИМ. ШАРТНОМАНИ ТУЗИШ ТАРТИБИ ВА АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ТУГАТИШ

6.1. Мазкур Шартноманинг 1-сонли Иловасида келтирилган шаклда Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи имзолаган суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома, мазкур Шартнома бўйича суғурта полиси берилишига асос ҳисобланади.

Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи, суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома ва унинг иловаларида келтирилган маълумотларнинг тўғрилиги бўйича жавобгарлик олиб боради. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг алдаши таъсири остида мазкур Шартнома Суғурталовчи томонидан тузилганлиги ва/ёки Суғурталовчи суғурта полисини бергандан кейин, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли қутилажак зарар миқдорини аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисида ёлгон маълумотларни Суғурталовчига маълум қилган бўлса, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ мазкур Шартномани ҳақиқий эмас деб топишни ва унинг ҳақиқий эмаслиги оқибатларини қўлланилишини талаб қилишга ҳақли.

6.2. Суғурта полиси, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи бадали тўланган кундан кейинги куннинг 00:00 соатидан бошланади. Суғурта мукофоти ёки унинг биринчи бадали ўз вақтида тўланмаган тақдирда, Суғурталовчининг мазкур Шартномага кўра суғурта товонини тўлаш бўйича мажбурияти ахдлашилган суғурта мукофоти ёки унинг қисми тўланган санадан юзага келади ва Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагунга қадар амал қилади.

6.3. Суғурта полиси суғурта мукофоти (ёки белгиланган суғурта бадаллари) тўлиқ ҳажмда тўланган кундан бошлаб, 3 (уч) иш куни ичида берилади. Суғурта мукофоти тўлиқ ҳажмда тўланмаган ҳолатда, суғурта полиси суғурта мукофоти тўланган давр учун мутаносиб равишда берилади.

6.4. Суғурталовчининг “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича жавобгарлиги суғурта мукофоти Суғурталовчининг банк ҳисобрақамига келиб тушган кундан бошланади ва суғурта полисида қайд этилган суғурта даврининг якуний санасида якунланади.

Бунда Қарз олувчига ТВ топширилган пайдан, суғурта полисида қайд этилган “Қарз олувчининг Кредит шартномасида

белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича суғурта давридан қатъий назар, Суғурталовчининг ушбу таваккалчилик бўйича жавобгарлиги автоматик яқунланади ва Суғурталовчининг “Суғурталанган ТВни нобуд бўлиши, йўқотилиши ва шикастланиши” таваккалчилиги бўйича жавобгарлиги бошланади.

6.5. Мазкур Шартнома (суғурта полиси) унинг амал қилиш муддати тугаганда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бекор бўлади.

7 БЎЛИМ. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида:

7.1.1. Суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида мазкур Шартнома бўйича маслаҳатлар олишга;

б) Шартномада назарда тутилган ҳолат ва шартларда Шартномани бекор қилишга;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ва Шартнома шартларига амал қилган ҳолда, Суғурталовчидан мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришини талаб этишга;

г) Суғурталовчидан қонунчиликка зид бўлмаган мазкур Шартноманинг бошқа шартларини бажарилишини талаб этишга.

7.1.2. Суғурта қилдирувчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта мукофотини мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ўз вақтида тўлашга;

б) кредитлаш масаласига эҳтиёткорлик ва эътибор билан лозим даражада иш кўришга, ҳеч бўлмаганда унинг таваккалчиликлари суғурталанмаганда, ундан қутилиши мумкин бўлган масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндошишга. Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ёки учинчи шахслар томонидан ўз ҳуқуқларини бузилишини олдини олиш бўйича зарурий чораларни ишга солиши шарт;

в) мазкур Шартномани амал қилиш даврида, мазкур Шартнома тузилаётганда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатлар бўйича ҳар қандай муҳим ўзгаришлар тўғрисида дарҳол, бу ҳақда ўзига маълум бўлган пайтдан 3 иш кун ичида ёзма равишда Суғурталовчини хабардор этишга, агар бундай ўзгаришлар суғурта ҳодисаси рўй бериш таваккалчилик даражаси ўзгаришига сезиларли таъсир қилиши мумкин бўлса.

Муҳим деб қуйидаги ўзгаришлар тан олинади: Кредит шартномаси муносабатидан келиб чиқадиган мажбуриятда шахсларнинг алмашиши; суғурта полисини амал қилиш мобайнида берилган кредитнинг муддати ўзгариши; берилган кредитнинг битим шартларини ўзгариши; Қарз олувчининг молиявий ҳолатидаги ўзгаришлар.

г) Қарз олувчи томонидан кредитдан мақсадсиз фойдаланиш имкониятини истисно этувчи барча зарурий чораларни кўришга;

д) юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Суғурталовчини 5 (беш) календар кундан кечиктирмай хабардор этишга.

7.1.3. Қарз олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартноманинг амал қилиш муддатида мазкур Шартнома бўйича маслаҳатлар олишга;

б) Шартномада назарда тутилган ҳолат ва шартларда Шартномани бекор қилишга;

в) Суғурталовчидан, суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин ва Шартнома шартларига амал қилган ҳолда, мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажарилишини талаб этишга;

г) Суғурталовчидан қонунчиликка зид бўлмаган мазкур Шартноманинг бошқа шартларини бажарилишини талаб этишга.

7.1.4. Қарз олувчи қуйидагиларга мажбур:

а) суғурта мукофотини мазкур Шартномада белгиланган миқдор ва тартибда ўз вақтида тўлашга (Суғурта қилдирувчи, суғурта мукофоти тўлови бўйича мажбуриятни Қарз олувчига юклаганда);

б) Ҳайдовчини мазкур Шартномани шартлари, шу жумладан унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиришга;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлишини олдини олиш мақсадида оқилона ва мумкин бўлган чораларни кўришга, шу жумладан кредитни сўндириш бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ва суғурталанган ТВни соз ҳолатда саклашга, суғурталанган ТВга зарар етказилмаслигини олдини олиш бўйича эҳтиёт чораларни кўришга;

г) мазкур Шартнома тузилаётганда Суғурталовчига маълум қилинган ҳолатлар бўйича муҳим ўзгаришлар тўғрисида дарҳол, бу ҳақда ўзига маълум бўлган пайтдан 3 иш кун ичида ёзма равишда Суғурталовчини хабардор этишга, шунингдек, Суғурталовчига суброгация ва регресс тартибда ўтказилган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжат ва далил-исботларни тақдим этишга ва унга барча маълумотларни ошкор этишга.

Муҳим деб қуйидаги ўзгаришлар тан олинади: суғурталанган ТВни ижарага (субижара, лизинг) бериш, сотиш ва ҳада этиш; ТВни бегоналаштириш (сотиш, ҳада ва бошқалар), ТВни гаровга қўйиш ва (ёки) унга бошқа усулларда ҳуқуқларни юклаш; ЙҚХББда ТВни ҳисобдан чиқариш, қайта рўйхатга олиш; рақамли агрегатларни (кузов, двигатель ва ш.к.) алмаштириш ёки агрегатларнинг ўзини алмаштирмаган ҳолда агрегатлар рақамини алмаштириш; ТВ аэродинамик ва техник хусусиятларига таъсир кўрсатадиган қўшимча ускунани ўрнатиш, электрон тизимларининг ўчиши, ишдан чиқиши; ТВ қулфи калитларининг ва (ёки) ТВни рўйхатга олиш ҳужжатларини йўқотилиши; ТВни олиб қочишга (ўғирлашга) қарши воситасида, двигателни автоматик ишга тушириш тизимларида, эшикларни масофадан очиш тизимларида носозликнинг пайдо бўлиши ва (ёки) бундай воситалар ва (ёки) тизимларни ТВга ўрнатиш ва (ёки) ечиш;

д) суғурта воқеаси содир бўлганда ТВни қаровсиз қолдирмаслик ва ТВни янада шикастланишини ёки нобуд бўлишини олдини олиш бўйича тегишли чораларни кўришга;

е) шикастланган ТВни таъмирлаш-тиклаш ишларидан аввал, Суғурталовчи билан ТВни кўздан кечириш жойи, санаси ва вақтини келишишга. Суғурталовчи билан келишмасдан туриб, шикастланган суғурталанган ТВни демонтаж (ТВни алоҳида қисмларга бўлиш) ёки таъмирлаш бўйича ҳеч қандай ишларни бошламасликка, ТВда бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш ёки ваколатли органларнинг буйруқлари ва фармойишларини бажарилиши заруриятига боғлиқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно;

ё) ўғирланган ТВ топилганда ва Суғурта қилдирувчига қайтарилганда, Суғурталовчидан шунинг учун олинган суғурта товонини қайтариб беришга. Агар ТВ шикаст етказилган ҳолда топилган бўлса, Суғурта қилдирувчига суғурталанган ТВга

етказилган зарар қоплаб берилади;

ж) зарар етказган шахс ёки зарар етказган шахснинг фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилган суғурта компанияси, етказилган зарарни қоплаб берганлиги тўғрисида Суғурталовчини хабардор этишга.

7.1.5. Суғурталовчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мазкур Шартномани бекор этишни талаб қилишга, агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи мазкур Шартноманинг 7.1.2. (в) ва 7.1.4. (г) кичик бандларига мувофиқ мазкур Шартнома шартларини оқилона ўзгартиришга ёки қўшимча суғурта мукофотини тўлашга эътироз билдирса;

б) суғурта товонини тўлашни рад этиш, агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи:

- била туриб суғурталанган Кредит шартномасига/суғурталанган ТВ/суғурта воқеасига оид ёлғон ва нотўғри маълумотларни тақдим этган бўлса;

- мазкур Шартноманинг шартларини бажармаётган бўлса;

- содир бўлган суғурта воқеаси тўғрисида мазкур Шартномада белгиланган муддат ва усулда Суғурталовчини ўз вақтида ва узрли сабабсиз хабардор этмаса;

- мазкур Шартнома ва суғурта полисидан фойда чиқариш мақсадида алдов усуллари ва воситаларидан фойдаланса;

- зарар етказган шахсга даво қилишдан ва/ёки унга нисбатан талабларни амалга оширишни таъминловчи ҳуқуқлардан бош тортса, шунингдек зарар етказган шахсга регресс талабларини қўйиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Суғурталовчига тақдим этишдан бош тортса;

- агар зарар миқдори зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қопланган бўлса;

- Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан содир бўлган воқеа характери, сабабларини аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки била туриб ёлғон ҳужжат ва маълумотларни тақдим этса;

- содир бўлган воқеа Шартномада назарда тутилган истисноларга қирадиган бўлса;

в) суғурта ҳодисаси рўй берганлиги факти ва тўланиши лозим бўлган суғурта товони миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни мустақил ёки ихтисослаштирилган ташкилот орқали текширувдан (экспертизадан) ўтказишга, шунингдек унинг келиб чиқиш сабаблари ва ҳолатларини аниқлашга, суғурта воқеасини келиб чиқиш сабаблари ва ҳолатларини экспертизадан ўтказишга;

г) агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига нисбатан зарар юзага келиши муносабати билан тергов ёки суд суриштируви тайинланган бўлса, суғурта товони тўловини мазкур суриштирув якунига қадар кечиктиришга ёки агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчининг тоvon олишга бўлган ҳуқуқларига нисбатан шубҳа мавжуд бўлса – зарур далиллар тақдим этилгунга/олингунга қадар кечиктиришга.

7.1.6. Суғурталовчи қуйидагиларга мажбур:

а) мазкур Шартнома доирасида Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига маслаҳатлар беришга;

б) мазкур Шартномада белгиланган муддат ва тартибда суғурта полисини беришга;

в) суғурта ҳодисаси содир бўлганда, мазкур Шартномада белгиланган тартиб, муддат ва миқдорларда Наф олувчига суғурта товонини тўлаб беришга;

г) Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ва уларнинг мулкӣ ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ошкорлик этмасликка, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

д) юридик манзил ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бу ҳақда Суғурта қилдирувчини/Қарз олувчини 5 (беш) календар кунидан кеч бўлмаган муддатда хабардор этишга.

8 БЎЛИМ. СУҒУРТА ҲОДИСАСИ БЕЛГИЛАРИГА ЭГА БЎЛГАН ВОҚЕА СОДИР БЎЛГАНДА, СУҒУРТАЛОВЧИГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР. СУҒУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

8.1. Суғурталовчига суғурта товони тўловини талаб қилиш бўйича асос бўлиши мумкин бўлган мазкур Шартноманинг 3.1. (а) бандида назарда тутилган воқеа содир бўлганда, Суғурта қилдирувчи (1-Наф олувчи) бундай воқеа содир бўлганлиги ҳақида 5 (беш) иш кундан кечиктирмай Суғурталовчини хабардор этиши, кутиши даври якунлангандан сўнг Суғурталовчига суғурта товонини тўлаб бериш тўғрисидаги ёзма аризани, қуйидагиларни илова қилган ҳолда тақдим этиши шарт:

а) кредитни сўндириш жадвали илова қилинган Кредит шартномаси, кредитдан мақсадли фойдаланилганлигини тасдиқловчи ҳисоб-фактуранинг Банк томонидан тасдиқланган нусхалари;

б) юзага келган шароитда эҳтимолий зарарларни камайтириш ва уларни олдини олиш бўйича қўрилган оқилона ва мумкин бўлган чоралар амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

в) Кредит шартномасининг сўндириш жадвалига кўра Қарз олувчининг кечиктирилган тўловини миқдори тўғрисида маълумотнома, ссуда ҳисобварақлардаги пул маблағларини ҳаракати тўғрисида кўчирма.

Қарз олувчи Суғурта қилдирувчига, Суғурталовчи талаб қилаётган ҳужжатларни, ўзи томонидан ўз вақтида тақдим этиши бўйича қўмаклашиши шарт.

8.2. Суғурталовчига суғурта товонини тўловини талаб қилиш бўйича асос бўлиши мумкин бўлган мазкур Шартноманинг 3.1. (б) бандида назарда тутилган воқеа содир бўлганда, Қарз олувчи/Ҳайдовчи қуйидагиларга мажбур:

а) дарҳол зарар ортишга олиб келувчи сабабларни баргараф этиш бўйича зарур бўлган чораларни қўриши, шу жумладан ТВни қаровсиз қолдирмасликка, агар у ўз йўли билан ҳаракатланиш имкониятини йўқотган бўлса, шикастланган ТВни фото - ёки видео орқали суратга олишни амалга оширишга;

б) дарҳол – суғурта воқеаси содир бўлган пайтдан 72 (етмиш икки) соат ичида ҳар қандай мумкин бўлган усулда, Суғурталовчини ёки уни вакилини хабардор қилишга;

в) воқеани ҳужжатлар билан тасдиқлашни таъминлаш мақсадида дарҳол ваколатли органларга мурожаат этишга;

• ЙҲХББга – ЙТҲда. ЙТҲда, амалдаги қонунчиликка мувофиқ ЙТҲ айбдорини (Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича) жавобгарлиги билан боғлиқ бўлган барча расмиятчиликларини бажаришга, жумладан: ТВни рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини, ЙТҲ айбдори тўғрисида маълумотларни (Ф.И.Ш, манзили, телефон рақами), ходиса гувоҳларини фамилиялари ва манзиллари, ТВЭФЖМСҚ полисининг рақами, берилган санаси,

ТВЭФЖМСҚ полисини берган суғурта компаниясини номини ёзиб олишга. Қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда, Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича зарарни қоплаш юзасидан тегишли суғурта компаниясига ёзма ариза билан мурожаат қилишга, шикастланган ТВни қўздан кечириш ва зарарни баҳолаш учун тақдим этишга. Суғурталовчига шикастланган ТВни қўздан кечириш учун белгиланган сана ва жой тўғрисида хабар қилишга.

- ички ишлар органларига – ўғирланганда (олиб қочилганда), учинчи шахсларнинг ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатларида, ТВга механик шикаст етказилганда (ЙТХ бундан мустасно);

- ФВВ органларига – ёнгин ва портлаш ҳолатида. Ёнгин ва портлашга оид ҳужжатларда уларнинг сабаблари кўрсатилиши шарт;

- Ўзгидромет ёки содир бўлган фавқулоддаги вазиятлар ва/ёки хавфли гидрометеорологик ҳодисаларни квалификация қилиш бўйича ваколатига эга бўлган бошқа шунга ўхшаш ташкилотларга – табиий офатларда;

- суғурталанган ТВга ташқи механик таъсирида:

- воқеа содир бўлган ҳудудда ободонлаштиришни ташкил этиш ва/ёки тартибни сақлашга жавобгар бўлган ташкилотларга (ш.ж. бошқарувчи компаниялар, коммунал-таъмирлаш авария хизматлари ва х.);

- содир бўлган тафсилотни фиксация қилишни амалга ошириш ва суриштирувни ўтказиш ваколатига эга бўлган ваколатли давлат органига.

8.3. Суғурта воқеаси содир бўлганлиги тўғрисида ёзма ариза тақдим этилгандан кейин Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи 5 (беш) иш куни ичида қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

а) суғурта полиси;

б) суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа содир бўлган пайтда ТВни бошқарган Ҳайдовчининг Ҳайдовчилик гувоҳномаси ва ТВдан фойдаланиш (эксплуатация қилиш) ҳуқуқини тасдиқловчи Суғурта қилдирувчи номидан берилган ҳужжатлар;

в) ТВни рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома, ТВни мажбурий техник кўриқдан ўтганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжатлар;

г) лицензияга эга баҳолаш ташкилотининг суғурталанган ТВга етказилган зарарни баҳолаш юзасидан тузган ҳисоботининг асли ёки тасдиқланган нусхаси;

д) таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиши бошланишига қадар шикастланган ТВ ёки унинг барча қисмларини фото ва видеоси;

е) ҳодисада айбдор бўлган шахс билан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилиш шартномасини тузган суғурта компаниясига Қарз олувчи/Ҳайдовчи мурожаат қилганлиги фактини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);

ё) ТВЭФЖМСҚ полиси бўйича тўланган суғурта товони тўғрисида суғурта компаниясининг ёки Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни қафолатлаш жамғармаси маълумотномасини нусхаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);

ж) қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар, шу жумладан – ваколатли органлар ҳужжатлари, суд қарорлари, ва суғурта ҳодисаси белгиларига эга содир бўлган воқеанинг жойи, вақти ва тафсилотларини, суғурталанган ТВнинг шикастланган ва/ёки ўғирланган қисмлари (деталлари) рўйхатини, воқеа иштирокчилари ва уларнинг айблилик даражасини, суғурта товони миқдорини аниқлаш учун Суғурталовчига зарур бўлган маълумотлар.

Бундай ҳужжатларга қуйидагилар қиради:

- ЙТХ жойи, вақти ва иштирокчилари тўғрисидаги ахборотни, ЙТХ иштирокчилари ТВларига етказилган шикастлар рўйхати ва хусусиятлари, ЙТХ ҳар бир иштирокчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати қоидалари бузилган ёки бузилмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар, ЙТХ иштирокчиларини тиббий кўриқка юборилганлиги тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига олувчи ЙХХББ томонидан берилган маълумот ва/ёки суд қарори – **ЙТХ ЙХХББ ходимлари томонидан расмийлаштирилганда;**

- ёнгин/портлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси ФВВлиги органларининг далолатномаси ёки маълумотномаси – **ёнгин/портлаш ҳодисасида;**

- Ўзгидромет ёки Ўзбекистон Республикаси ФВВ берилган маълумотнома (ёки бошқа ҳужжат) – **табиий офатларларда;**

- воқеанинг келиб чиқиш сабаби, санаси, воқеа жойи, таъмирланиши (тикланиши) лозим бўлган зарар миқдори, айбдори (агар бундай айбдор суриштирув жараёнида аниқланган бўлса) тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган, ИИБ органлари ёки воқеа содир бўлган ҳудудда ободонлаштириш ва/ёки тартибни сақлаш бўйича жавобгар бўлган ташкилотлар (ш.ж. бошқарувчи компаниялар, коммунал-таъмирлаш авария хизматлари ва х.) томонидан тузилган далолатнома (маълумотнома) – **ташқи механик таъсир ҳодисасида;**

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг (ИИБ, прокуратура) жинойят ишини қўзғатиш тўғрисида қарори ёки жинойят ишини қўзғатмаслик тўғрисида қарори – **ўғирлик (олиб қочиш), учинчи шахсларнинг ғайрихуқуқий ҳатти-ҳаракатлари ҳодисаларида.**

8.4. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан содир бўлган ҳар қандай йўқотишлар ва/ёки шикастланишлар тўғрисида хабар берилганда, Суғурталовчи даъволарни кўриб чиқиш ва содир бўлган воқеанинг тури, сабаблари ва тафсилотларини батафсил ўрганиб чиқиши учун ўз ходимини ёки бошқа ваколатли шахсни юборишга ҳақли.

8.5. Суғурталовчи юқорида баён этилган ҳужжатлар рўйхатини қисқартиришга, шунингдек Суғурта қилдирувчидан/Қарз олувчидан қўшимча ҳужжатларни талаб қилишга ҳақли, агар уларнинг мавжуд эмаслиги муайян тафсилотларнинг ҳисоби билан суғурта ҳодисасини содир бўлганлиги фактини аниқлаш ва зарар миқдорини белгилаш имкониятини бермаса.

8.6. Суғурталовчи, зарур ҳолларда, содир бўлган воқеа бўйича ахборотга эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ва бошқа муассаса ва ташкилотлардан воқеа билан боғлиқ маълумотларни мустақил равишда сўраб олиши мумкин, шунингдек суғурта воқеаси сабаблари ва тафсилотларини мустақил суриштиришга ҳақли.

8.7. Мазкур воқеага тегишли барча зарур ҳужжатлар олингандан ва барча тафсилотлар ўрганилгандан кейин, Суғурталовчи томонидан содир бўлган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олинмаслиги бўйича қарор қабул қилинади.

8.8. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи тақдим этган барча зарур бўлган ҳужжатларга асосан Суғурталовчи суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги фактини Суғурта тан олса, Суғурталовчи 5 (беш) иш куни ичида барча олинган маълумотлар қайд этилган ва тўланилиши лозим бўлган суғурта товони миқдори белгиланган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани тузади. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномани Суғурталовчи ва Наф олувчи имзолайди.

8.9. Суғурта товонини тўлашни рад этиш ёки тўлаш тўғрисидаги Суғурталовчининг қарори, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига уларнинг суғурта товонини тўлаш бўйича қилган ёзма муурожаати олингандан кейин 15 (ўн беш) кун ичида маълум қилиниши лозим, рад этилганда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

8.10. Агар воқеаси содир бўлганлиги факти муносабати билан жиноят иши, фуқаролик иш юритуви ёки маъмурий жазо қўллаш тўғрисида иш қўзғатилган бўлса, Суғурталовчи тўланиши лозим бўлган тўлов масаласи бўйича қарор қабул қилишни ваколатли органлар томонидан тегишли қарор қабул қилиш пайтига қадар кечиктириш ҳуқуқига эга.

8.11. Суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини, шунингдек етказилган зарарларни исботлаш Суғурта қилдирувчи ва Қарз олувчи зиммаларига юкланади.

9 БЎЛИМ. СУЎУРТА ТОВОННИ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Мазкур Шартноманинг 3.1. банди “а” кичик бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта товони Суғурта қилдирувчига, кредит бўйича тўланмаган тўловлар суммасидан ортмаган, лекин суғурта полисида кўрсатилган суғурта пулидан қўп бўлмаган миқдорда тўланади. Бунда Қарз олувчи кредит бўйича тўловлардан озод этилмайди.

Суғурта товони суммаси, хабари берилган зарар санасига Суғурталовчига тақдим этилган кредитни сўндириш жадвалидан келиб чиқиб, пеняни, жаримани, неустойкани, банк воситачилик ҳақини, курс ўзгариши оқибатидаги фарқларни ва бошқаларни, қарздорликни сўндириш мақсадида Қарз олувчидан ёки учинчи шахслардан олинган ҳар қандай суммаларни чегириб ташлаган ҳолда, (асосий қарз ва унга ҳисобланган фоизлар бундан мустасно) белгиланади.

9.2. Мазкур Шартноманинг 3.1. банди “б” кичик бандида назарда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда, суғурта товони, Наф олувчига, қуйидаги шартларга, қуйидаги шартларга, шунингдек мазкур Шартноманинг бошқа шартларига амал қилинган ҳолда, тўланади:

9.3.1. ТВ нобуд бўлганда ва йўқотилганда – етказилган зарар суммаси (лицензияга эга баҳоловчи ташкилотнинг зарар баҳолаш ҳисоботида мувофиқ) миқдорида ёки суғурта полисида белгиланган суғурта пули миқдорида, қуйидагиларни чегириб ташлаган ҳолда:

- а) шартсиз франшизанинг белгиланган суммаси;
- б) аввал тўланган суғурта товонлари суммаси;
- в) келгусида фойдаланиш ёки реализация қилиш учун яроқли суғурталанган ТВ конструкциясининг шикастланмаган деталлари, боғламалари ва элементларининг қолдиқ қиймати (лицензияга эга баҳоловчи ташкилот томонидан аниқланади);
- г) Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олинган суғурта товони суммаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);
- д) етказилган зарарнинг баҳолаш харажатлари ва/ёки суғурталанган ТВнинг қолдиқ қийматини аниқлаш харажатлари.

9.3.2. ТВ шикастланганда – етказилган зарар (лицензияга эга баҳоловчи ташкилотнинг зарар баҳолаш ҳисоботида мувофиқ) миқдорида ёки суғурта полисида белгиланган суғурта пули миқдорида, қуйидагиларни чегириб ташлаган ҳолда:

- а) шартсиз франшизанинг белгиланган суммаси;
- б) ТВнинг алмаштириладиган деталлари, қисми ва ўзининг эскириш қиймати;
- в) ТВнинг эскириш суммаси, қиймати ва товар кўринишини йўқотилиши;
- г) Транспорт воситаси эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича олинган суғурта товони суммаси (*Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 21 апрелдаги ЎРҚ-155-сонли Қонуни*);
- д) суғурталанган ТВга етказилган зарарнинг баҳолаш харажатлари.

Заруриятдан келиб чиқиб, Суғурталовчи, Қарз олувчидан фойдаланишга ёки реализация қилишга яроқли бўлган суғурталанган ТВ конструкциясининг шикастланмаган деталлари, боғламалари ва элементларининг қолдиқ қийматини аниқлаш бўйича ҳисоботини талаб қилишга ҳақлидир.

Суғурталовчи, Шартноманинг мазкур банди шартларига амал қилган ҳолда, суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида суғурталанган ТВга етказилган, ҳужжат билан тасдиқланган ва таъмирлаш-тиклаш ишлари жараёнида аниқланган яширин шикастланишларни бартараф қилиш билан боғлиқ харажатларни ҳам қоплайди.

9.4. ЙТХ ЙХХББ ходимлари иштирокисиз расмийлаштирилган ҳолатида суғурта товони тўлови, қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилган ЙТХ ҳақидаги билдиришномани Суғурталовчига тақдим этиш шарти билан, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлиги тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган товон суммасига тенг бўлган суммадан юқори бўлиши мумкин эмас.

9.5. Агар мазкур Шартномага мувофиқ суғурта пули, Шартномани тузиш санасига, суғурта қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини 936 моддасига мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчига етказилган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаб беради.

9.6. Суғурталовчи суғурта товонини қуйидагича тўлашга ҳақли:

9.6.1. Суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатнома тузилган кундан эътиборан 15 (ўн беш) банк куни ичида Суғурта қилдирувчи ёки Қарз олувчининг банк ҳисобрақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан.

9.7. Суғурталовчига суғурталанган ТВга ёки унинг шикастланган қисмларига нисбатан мулк ҳуқуқи, тўланган суғурта товони (суғурта пули) доирасида ўтказилади (*Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 958-моддаси*).

9.8. Агар зарар суммаси, зарар етказган шахс томонидан тўлиқ қоплаб берилса ва/ёки қопланаётган бўлса, Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи суғурта товонини олиш бўйича ўз ҳуқуқини йўқотади.

9.9. Мазкур Шартномада назарда тутилган суғурта ҳодисасининг содир бўлиши оқибатидаги зарарни қоплаш учун амалга

оширилган ҳар бир тўлов, бундай тўлов миқдорида суғурта пулини камайтиради, агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи томонидан суғурта пулини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланилмаса.

9.10. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 936-моддасини талаблари ҳисоби билан суғурта товонини тўланиши оқибатида суғурта пулини камайтириш навбатдаги суғурта товонларини тўлаш учун асос ҳисобланмайди.

10 БЎЛИМ. СУБРОГАЦИЯ (РЕГРЕСС)

10.1. “Қарз олувчининг Кредит шартномасида белгиланган миқдор ва муддатларда кредитни сўндириш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслиги” таваккалчилиги бўйича содир бўлган суғурта ҳодисаси натижасида Суғурта қилдирувчига етказилган зарар ҳисобига тўлиқ ёки қисман суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддаси талабларига биноан Кредит шартномасига кўра кредитни сўндириш мажбуриятини олган Қарз олувчидан, тўланган сумма доирасида талаб қилиш ҳуқуқи ўтади.

10.2. “Суғурталанган ТВни нобуд бўлиши, йўқотилиши ва шикастланиши” таваккалчилиги бўйича содир бўлган суғурта ҳодисаси натижасида етказилган зарар ҳисобига тўлиқ ёки қисман суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддаси талабларига биноан етказилган зарар учун айбдор шахсдан, тўланган сумма доирасида талаб қилиш ҳуқуқи ўтади.

10.3. Суғурта қилдирувчи ва/ёки Қарз олувчи Суғурталовчига барча ҳужжатлар ва далилларни топширишга ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддаси талабларига мувофиқ Суғурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча маълумотларни хабар қилишга мажбурдир.

10.4. Агар Суғурта қилдирувчи, Қарз олувчи ёки суғурталанган ТВни бошқаришга қўйилган шахс Суғурталовчи қоплаган зарарлар учун айбдор шахсдан талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки ушбу ҳуқуқни амалга ошириш, уларнинг айби билан имконсиз бўлса, Суғурталовчи суғурта товонини тўлиқ ёки тегишли қисмида тўлашдан озод қилинади ва тўланган суғурта товони миқдорини қайтаришни талаб қилишга ҳақли ҳисобланади.

10.5. Агар Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи учинчи шахслардан зарар қопламасини олса, Суғурталовчи фақат суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган сумма ва учинчи шахслардан олинган сумма ўртасидаги фарқни тўлаб беради. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига олинган компенсациялар тўғрисида, шу жумладан агар бундай компенсациялар, Суғурталовчи суғурта товонини тўлаганидан кейин ва/ёки суғурта даври якунлангандан кейин олинадиган бўлса ҳам, хабар қилиши шарт. Суғурта қилдирувчи/Қарз олувчи Суғурталовчига бундай суммалар тўғрисида ўзига маълум бўлган пайтдан эътиборан 15 (ўн беш) кун ичида хабар қилиши ва Суғурталовчига 15 (ўн беш) кун ичида унга тегишли бўлган суммани тўлаб бериши шарт.

11 БЎЛИМ. ТОМОНЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Зиммаларига олинган ўз мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўлади.

12 БЎЛИМ. ФОРС – МАЖОР

12.1. Форс - мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайди.

12.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулотда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер ости қаватларининг силжиши, бўронлар, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва таъқиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва хоказолар) форс-мажор ҳолатига қиради.

12.3. Форс - мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилади. Агар форс - мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор давом этган муддатгача узайтирилади.

13 БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Агар мазкур Шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мазкур Шартномага қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига кўра ёзма шаклда киритилади.

13.2. Мазкур Шартномага қуйидагилар илова қилинади ва ажралмас қисми ҳисобланади:

1-сонли Илова. Суғурта қилиш бўйича Ариза-сўровнома.

2-сонли Илова. Автокредитни комплекс суғурта қилиш бўйича суғурта полиси.

13.3. Мазкур Шартномада кўрсатиб ўтилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.4. Мазкур Шартноманинг бажарилишида юз бериши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар, имкон қадар Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмаганда, Томонлар қонунчиликда кўзда тутилган судгача низоларни тартибга солиш таомилини амалга оширгандан кейин, уларни Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги билан белгиланган тартибда Суғурталовчини давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга берилади.

13.5. Мазкур Шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар томонларнинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказилишига йўл қўйилмайди.

13.6. Томонлар махфийлик ва мазкур Шартнома, Иловалар ва мазкур Шартнома билан боғлиқ бошқа ҳужжатларнинг мазмуни тўғрисида тегишли томоннинг олдиндан берган ёзма розилигиз ҳар қандай учинчи шахсга ошкор этмаслик бўйича жавобгарлик олиб боради.

13.7. Мазкур Шартнома икки (икки) нусхада тузилган бўлиб, Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил юридик кучга эга.